

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.ТІВ.29.01.  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУХАМЕДОВ БАХРАМБЕК ИЛАМАНОВИЧ**

**СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В ВА С БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА ЖИГАРДАН ТАШҚАРИ ДЕРМАТОЛОГИК  
ПАТОЛОГИЯЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, КЛИНИК  
ЖИҲАТЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.33 – Жамоат саломатлиги. Соғлиқни сақлаш менежменти  
14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук  
(DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Medical Science (DSc)**

**Мухамедов Бахрамбек Иламанович**

Сурункали вирусли гепатит В ва С билан касалланган беморларда  
жигардан ташқари дерматологик патологияларнинг эпидемиологияси,  
клиник жиҳатлари ва профилактикаси..... 3

**Мухамедов Бахрамбек Иламанович**

Эпидемиология, клинические аспекты и профилактика внепеченочной  
дерматологической патологии у больных хроническими вирусными  
гепатитами В и С..... 36

**Mukhamedov Bakhrambek Ilamanovich**

Epidemiology, clinical aspects and prevention of extrahepatic  
dermatological pathology in patients with chronic viral hepatitis B and  
C..... 70

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 74

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.TIB.29.01. РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий  
КЕНГАШ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУХАМЕДОВ БАХРАМБЕК ИЛАМАНОВИЧ**

**СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В ВА С БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА ЖИГАРДАН ТАШҚАРИ ДЕРМАТОЛОГИК  
ПАТОЛОГИЯЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, КЛИНИК  
ЖИҲАТЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.33 – Ҷамоат саломатлиги. Соғлиқни сақлаш менежменти  
14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.DSc/Tib818 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.eyecenter.uz](http://www.eyecenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Ризаев Жасур Алимжанович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Садиков Абдушукур Абдужамилевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ваисов Адҳамжон Шавкатович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Искандарова Шахноза Тулкиновна**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Охлопков Виталий Александрович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон**

**давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 й. соат \_\_\_\_ да Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли бир марталик илмий кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертацияси билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ - рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223. Тел/факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2025 йил "\_\_\_\_\_" \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил "\_\_\_\_\_" \_\_\_\_\_) даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Т.А. Набиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш

илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**К.Н. Хаитов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги

илмий семинар раиси,

тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда вирусли гепатит С (ВГС) билан касалланиш халқаро миқёсдаги муаммо бўлиб, зудлик билан чора кўришни талаб қилади. Жигар касалликларини бугунги кунда бошқа орган ва тизимлар патологияларидан ажратиб кўриб бўлмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, "...2022-йилда гепатит В билан касалланганлар сони 254 миллионни, гепатит С билан касалланганлар эса 50 миллионни ташкил этди. 187 та давлат бўйича олинган янги маълумотларга кўра, вирусли гепатитдан вафот этганлар сони 2019-йилда 1,1 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2022-йилда бу кўрсаткич 1,3 миллионга етиб, ушбу ўлимларнинг 83% гепатит В, 17% эса гепатит С сабабли юзага келган"<sup>1</sup>

. Сурункали вирусли гепатит С жамиятга сезиларли эпидемиологик ва иқтисодий юкни юклаши билан боғлиқ. Бу, аввало, вақтинча меҳнатга лаяқатсизликнинг узок давом этиши, меҳнатга лаяқатли ёшдаги аҳолининг ногиронлиги ҳамда ушбу касалликка чалинган беморлар орасида эрта ўлим ҳолатларининг юқори эканлиги билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб вирусли гепатитларни диагностикалаш, даволаш ва олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, гепатитларнинг ривожланишида муҳим бўлган патогенетик омилларни аниқлаш, уларнинг биокимёвий ва иммуногенетик хусусиятларини ўрганиш ҳамда касаллик кечишининг оғирлик даражасини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш, диагностика ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш бўйича кенг қўлланми ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунга «... замонавий диагностика ва даволаш усуллари жорий этиш, тиббий хизмат сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, давлат тиббий суғуртаси тизими ва давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ҳамда дори воситалари пакетини жорий этиш, санитария меъёрлари ва қоидаларини замонавий талаблар асосида янгилаш...»<sup>2</sup> каби устувор вазифалар киради. Шу муносабат билан тиббий хизмат сифатини янги босқичга кўтариш, сурункали касалликларни, жумладан, тери касалликларини замонавий юқори технологик диагностика ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу диссертацион тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25-апрелдаги "Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини

<sup>1</sup><https://www.who.int/ru/news/item/09-04-2024-who-sounds-alarm-on-viral-hepatitis-infections-claiming-3500-lives-each-day>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2024 йил 22 январдаги ПҚ-38-сон қарори.

ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-215-сонли қарори, 2023-йил 20-июндаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-197-сонли қарори, 2023-йил 6-сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги УП-156-сонли фармони, 2024-йил 5-сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-311-сонли қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қисман мос келади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>**

Дунё бўйлаб дерматологик патологиянинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари, сурункали В ва С гепатитлар билан боғлиқ касалликларнинг патогенези, диагностикаси ва даволаш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар турли йирик дерматологик марказлар томонидан олиб борилган. Жумладан: Massachusetts General Hospital (Бостон, АҚШ), David S Cassarino Department of Pathology (Stanford University, Пало Алто, АҚШ), Cochrane Library (Англия), National Institutes of Health (АҚШ), Wiley online library (АҚШ), Stanford University (АҚШ), GBU RO "TSGB им. Н.А. Семашко" (Ростов-на-Дону, Россия), All India Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон, Нью-Дехли), Institute of Liver and Biliary Sciences (Ҳиндистон, Нью-Дехли), Soon Chun Hyang University Seoul hospital (Жанубий Корея, Сеул), Boston University (АҚШ), Биринчи Москва давлат тиббиёт университети (Россия), Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети (Н. И. Пирогов номидаги), Massachusetts General Hospital (Бостон, АҚШ).

Дунё миқёсида вирусли гепатитларни диагностика қилиш ва даволаш ёндашувларига оид қатор илмий маълумотлар олинган. Сўнгги 10 йил ичида кўплаб давлатларда олимларнинг илмий ва амалий фаолияти жигар касалликлари билан боғлиқ тери касалликларининг патогенезини ўрганишга қаратилган. Масалан, Massachusetts General Hospital (Бостон, АҚШ), David S Cassarino Department of Pathology (Stanford University, Пало Алто, АҚШ) тадқиқотчилари ўткир вирусли гепатитларни даволаш усуллариини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаган ва уларнинг натижасида юзага келадиган дерматологик ноўжа таъсирларни қайд этганлар (Cochrane Library, Англия).

Шунингдек, Wiley online library (АҚШ), National Institutes of Health

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи:

[www.uni-heidelberg.de](http://www.uni-heidelberg.de), [www.univ-agadez.edu.ne](http://www.univ-agadez.edu.ne), [www.umb.edu.pl](http://www.umb.edu.pl), [www.ucl.ac.uk](http://www.ucl.ac.uk), [www.ninds.nih.gov](http://www.ninds.nih.gov), [www.utoronto.ca](http://www.utoronto.ca), [www.aub.edu.lb](http://www.aub.edu.lb), [www.medline.ru](http://www.medline.ru), [www.medscape.com/ophthalmology](http://www.medscape.com/ophthalmology), [visionscience.com](http://visionscience.com), [www.retina.org/retina](http://www.retina.org/retina), [elibrary.ru](http://elibrary.ru), [medlib.ws](http://medlib.ws), [www.medlit.ru](http://www.medlit.ru), [www.rmj.ru](http://www.rmj.ru), [mntk.ru](http://mntk.ru), [www.ophtal.org](http://www.ophtal.org), [www.retinajournal.com](http://www.retinajournal.com), [www.bjophthalmol.com](http://www.bjophthalmol.com), [www.eyeworld.org](http://www.eyeworld.org), [www.aoj.org](http://www.aoj.org), [www.djo.harvard.edu](http://www.djo.harvard.edu), [webofscience.com](http://webofscience.com), [pubmed.com](http://pubmed.com), [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com).

(АҚШ) тадқиқотларига кўра, сурункали вирусли гепатитлар айрим сурункали тери касалликларини, хусусан, эшакемни оғирлаштириши мумкин. Stanford University (АҚШ), GBU RO "TSGB им. Н.А. Семашко" (Россия) болалар орасида вирусли гепатит билан боғлиқ дерматологик патологияларнинг намоён бўлишига алоҳида эътибор қаратган. All India Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон), Institute of Liver and Biliary Sciences (Ҳиндистон, Нью-Дехли) олимлари эса вирусли В ва С гепатитларининг сурункали жигар касалликларига олиб келиш жараёнини ўрганган ва касалликнинг давомийлигига қараб замонавий терапевтик ёндашувларни ишлаб чиққан.

Касаллик оғир тус олиб, жигар циррозига сабаб бўладиган ҳолатларда жигар трансплантацияси масаласи Soon Chun Hyang University Seoul hospital (Жанубий Корея, Сеул), Boston University (АҚШ) тадқиқотчилари томонидан ўрганилган. Биринчи Москва давлат тиббиёт университети (Россия), Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети (Н. И. Пирогов номидаги), Massachusetts General Hospital (Бостон, АҚШ) эса жигар циррозининг олдини олиш мақсадида профилактик тестлаш тизимини жорий қилиш натижасида касаллик ривожланиш даражасини сезиларли даражада пасайтиришга эришган.

Ҳозирги кунда дунё бўйлаб вирусли гепатитлар ва уларнинг тери шакллари билан боғлиқ диагностика ва даволаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Вирусли гепатитдан кейин юзага келадиган дерматологик кўринишларини ривожланиш хавф омилларини аниқлаш. Ушбу беморлар орасида ирсий мойилликни аниқлаш, Вақтида ташхис қўйиш учун иммунологик ва биокимёвий маркерларни ўрганиш ва аниқлаш, Вирусли гепатитлар билан боғлиқ тери касалликларини аниқлаш ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда беморларда дерматологик намояндалар сонини камайтириш учун профилактик чоратадбирларни такомиллаштириш кабилардир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда дунёда тиббий ва ижтимоий жиҳатдан энг муҳим бўлган сурункали вирусли гепатитлар гуруҳи касалликлари орасида вирусли гепатит В ва вирусли гепатит С ажралиб туради. Улар исботланган тизимли жигар ташқаридаги асоратлар билан кечувчи жигар шикастланишларига сабаб бўлади. Кўпгина беморларда СВГ-В ва СВГ-С касалликлари яширин тарзда, жигар билан боғлиқ алоҳида симптомлар сезилмасдан ёки умуман бўлмасдан кечади (Р. Сасоуб ва бошқ., 2016). Шу билан бирга, клиник манзарада кўпинча жигар ташқаридаги вирус локализациясига оид белгилар кузатилади, баъзан эса улар устунлик қилади (В. Songtanin ва бошқ., 2024). Бу эса сурункали вирусли гепатитларни аниқлаш муаммоларини ҳал қилишда тармоқлараро ёндашув зарурлигини белгилайди.

Ўткир ВГ-С кўпинча яширин, симптомсиз шаклда кечади ва 55-85% ҳолатларда инфекция сурункалашишига олиб келади. Сурункали HBV ва HCV-инфекцияларининг тизимли асоратларида жигар ташқарида вирус репликациясининг борлиги ҳамда унинг тўғридан-тўғри ёки билвосита ситопатик таъсири муҳим аҳамиятга эга (Mazzaro С ва бошқ., 2022). Адабиёт

маълумотларига кўра, сурункали HBV-инфекциясида жигар ташқаридаги зарарланишлар 25–35% ҳолатларда кузатилади. Сурункали ВГ-С билан касалланган беморларнинг 40-45%ида турли жигар ташқаридаги симптомлар, жумладан, криоглобулинемия, мембрано-пролифератив гломерулонефрит, кечиккан тери порфирияси, аутоиммун тиреоидит аниқланган (М. Aly Mokhles, 2024; L. Gragnani ва бошқ., 2016). Кўплаб тадқиқотларнинг натижалари гепатит С вирусининг нафақат жигар, қон ва суяк илғ хужайраларида, балки бошқа орган ва тўқималарда ҳам аниқланганлигини тасдиқлайди, бу эса вирусли гепатит С касаллигини фақат жигар касаллиги сифатида эмас, балки тизимли (генераллашган) патологик жараён сифатида кўриб чиқишга имконият беради (Т.І. Michalak ва бошқ., 2017). Касалликнинг клиник белгилари сезилмаслиги кўплаб беморларнинг ўзларининг инфекция борлигидан беҳабар бўлишларига ва эпидемиологик хавф туғдиришларига сабаб бўлади.

Сўнгги йилларда МДХ давлатларида вирусли гепатитлар билан касалланиш муаммосини ҳал қилишда кўплаб маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар иштирок этмоқда. Сурункали ВГ-С билан касалланган беморларнинг 15-30%ида 20 йил давомида жигар сиррози ривожланади, сирроз фонида эса йилига 2-4% ҳолатда гепатоселлюляр карцинома юзага келади (Shcherina I.V. ва бошқ., 2019). HBV вирусининг жигар ташқарида репликация қилиши аниқлангани HBV-инфекцияда кўп тизимли шикастланишларнинг патогенезини тушунишга ва вирусли гепатитни фақат жигар инфекцияси эмас, балки тизимли генераллашган вирусли инфекция сифатида кўриб чиқишга ёрдам берди. ВГ-С учун махсус профилактика усули ишлаб чиқилмаган. ВГ-С антиген тузилишининг доимий ўзгариб бориши унга иммун назоратдан қочиш имконини беради. Сурункали ВГ-С билан касалланганлар орасида ёшларнинг устунлик қилиши бу касалликнинг ижтимоий аҳамиятини оширади. Вирусли гепатитлар муаммосини ҳал қилиш учун комплекс, кўп босқичли ёндашув талаб этилади. Шу сабабли вирусли гепатитларнинг олдини олиш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилган (Ҳ.Ҳ. Михайлов ва бошқ., 2022).

Сурункали вирусли гепатит В ва С касалликларида тери симптомлари энг кўп учрайдиган ва диагностик жиҳатдан муҳим жигар ташқаридаги белгилар қаторига киради. ХВГ-С билан касалланган беморларнинг 54%ида тери симптомлари кузатилган (D.A. Лиознов ва бошқ., 2019). Тери организмнинг асосий муҳофаза тизими бўлиб, унинг ҳолати жигар фаолияти билан бевосита боғлиқ. Жигар организмнинг асосий биокимёвий ва детоксикация лабораторияси ҳисобланади. Вирусли гепатитларда тери симптомлари муҳим аҳамиятга эга. Тери қичишиши (pruritus) гепатитнинг, жумладан, сурункали вирусли гепатитларнинг тез-тез учрайдиган клиник белгиларидан бири ҳисобланади. Вирусли этиологияли сурункали гепатитларда тери қичишишининг учраш chastotasі сарикликниқидан сезиларли даражада юқори. Масалан, ХВГ-С билан касалланган беморларнинг 22,67% дан 58,4% гача бўлган қисмида тери қичишиши кузатилган. ХВГ-Вда эса бу кўрсаткич анча паст бўлиб, атиги 8%ни ташкид



қилган (Е.В. Супрун ва бошқ., 2015).

Мамлакатимизда вирусли гепатитларни диагностика қилиш ва даволашни такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган. Ўзбекистон илмий-тадқиқот ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, болаларда сурункали вирусли гепатит В диагностикаси, даволаш ва профилактикаси усулларини танлаш замонавий тиббиётнинг долзарб ва ҳали тўлиқ ҳал қилинмаган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда (L.N. Туйчиев ва бошқ., 2020; Булаев З.К, 2024). Яқинда вирусли гепатитларнинг этиопатогенезида гемостаз бузилишларининг ролини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Z.Ch. Курбанова ва бошқ., 2019). Шунингдек, патофизиологик жараённинг босқичини ва патогенларнинг генотипик таркибини баҳолаш асосида сурункали вирусли гепатитларнинг этиологик тузилиши аниқланган (Sh.R. Юсупов ва бошқ., 2023). Бироқ вирусли гепатитларда тери симптомларининг ўзга хос хусусиятлари етарлича ўрганилмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ушбу патология бўйича сезиларли миқдорда тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, вирусли гепатитларнинг, айниқса, оғир шакллариининг клиник-иммунологик хусусиятлари билан боғлиқ кўплаб саволлар ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган. Шу сабабли хавф омиллари, микробиологик хусусиятлар, вирусли гепатитларнинг иммунопатологик жиҳатларини, айниқса, тери симптомлари бўлган беморларда чуқур ўрганиш касаллиқнинг оғир кечиши ва нохуш оқибатларини камайтиришга имкон беради. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ушбу диссертация иши долзарб бўлиб, тадқиқот натижалари янги илмий маълумотларга еришиш ва уларнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида, аввало, жигар ташқаридаги дерматологик симптомлар билан кечувчи вирусли гепатитларнинг диагностикаси ва даволашини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2020–2022 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган бўлиб, унинг тематик режа рақами №01980006703 “Худудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда оналар ва болалар саломатлигини диагностика, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш” номли тадқиқот лойиҳасига тўлиқ мос келади.

**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали вирусли гепатит В ва С билан касалланган беморларда эпидемиологик кўрсаткичлар, клиник белгилари ва дерматологик патологиянинг биомаркерларини ўрганиш орқали ушбу патологияни аниқ диагностика қилиш ва самарали профилактика усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали вирусли гепатит В ва С билан касалланган беморларда жигардан ташқари дерматологик белгилар билан боғлиқ касалланиш ҳолатини эпидемиологик ва ижтимоий статус таҳлили орқали аниқлаш;

ичак микробиомининг ўзгаришлари ва уларнинг дерматологик симптомларга таъсирини баҳолаш;

ацетилация фенотиби ва калликреин-кинин тизими ҳолатини ўрганиш;

вирусни элиминация қилишда иммунокомпетент хужайраларнинг ҳолатини баҳолаш;

томир-хужайра гемостази аҳамиятини таҳлил қилиш;

диагностика ва профилактика чора-тадбирларини диспансер кузатувида кенгайтириш заруратини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида сурункали вирусли гепатит билан касалланган ва дерматологик белгилар кўрсатган 124 нафар бемор, шунингдек, турли дерматологик касалликлардан азият чекиши 206 нафар ва соғлом 16 нафар шахс танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморларнинг плазмаси, қон зардоби, солак, тери биопсиялари ҳамда нажаси таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Умумий клиник ва лаборатория таҳлиллари, микробиологик, биокимёвий, иммунофермент, гемостазиологик ва статистик методлар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

вирусли гепатит В ва С билан оғриган беморларда юқори даражада жигардан ташқари дерматологик касалликларда ҳаёт сифати мезонлари бўйича, даволашнинг ташкилий-услубий жиҳатлари асосида клиник протоколларга дерматологик скринингни киритиш орқали такомиллаштирилган;

илк бор вирусли гепатит В ва С ҳамда дерматологик патологиялари билан касалланган беморлар функционал ҳолатини баҳолашда ичак микробиомининг дисбиози, айниқса анаэроб ва факультатив флора баланси ва ацетиллаш жараёнларининг турли фенотиплар бўйича ҳамда дислипидемия кўрсаткичлари ( $r=0,62$ ) ўртасидаги тугри пропорционал боғлиқлик исботланган;

илк бор вирусли гепатит В ва С билан оғриган беморларда калликреин-кинин тизими фаоллашуви ва иммун тизимининг (ФНО- $\alpha$ , IL-6, IL-10, гемостаз тизими компонентлари) ўзгаришлари беморларда кислотали сфингомиелиназа ва  $\beta$ -глюкотсераброзидаза ферментларининг тез бузилишига, натижада эпидермал тўсиқнинг ўтказувчанлиги издан чиқиши сабабли дерматологик патологияларга олиб келиши исботланган;

вирусли гепатит В ва С билан оғриган беморларда даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган “Пробиокер-AWL” пробиотигини куллаш, ичак микрофлорасини нормаллаштириш ва дисбиозни камайтириш орқали микроб ўсиш синдромини бартараф этишда самарадорлиги исботланган;

вирусли гепатит В ва С билан оғриган ҳамда дерматологик касалликлари бор беморларни гепатолог ва дерматолог шифокорлар биргаликда олиб бориши бўйича протокол такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жигар ташқари белгиларнинг юқори учрашиш тезлиги аниқланган (макуляр, папуловезикуляр тўшмалар, эшакими, петехиялар, пурпура, тўғунли эритема), бу касалликнинг тизимли хусусиятга эга эканлигини тасдиқлайди;

вирусли гепатит билан боғлиқ дерматологик белгилар намоён бўлган беморларда дисбиотик жараёнлар ривожланиши аниқланган;

клиник шароитда энг кўп стационар даволанишга муҳтож бўлган учта асосий бемор гуруҳи аниқланган: псориаз (65%), дерматитлар (20%) ва экзема (15%);

тери ўтказувчанлигининг бузилишининг патогенетик механизмлари аниқланган, бу жараёнда трансепидермал сув йўқотилиши (ТЭСЙ) билан бир қаторда терининг инфекция, яллиғланиш ва контакт сенсibilизацияга мойиллиги ҳам аниқланган;

вирусли гепатит (В ва С) ва дерматологик белгилар билан кечаётган беморларда дисбиоз мавжуд бўлганда "Пробиокер-AWL" пробиотигининг стандарт терапия билан бирга қўлланилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари замонавий тасдиқланган ва бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, лаборатория ва статистик усуллар қўлланилганлиги билан тасдиқланади. Тадқиқотда етарли миқдорда беморлар иштирок этган бўлиб, олинган натижалар назарий ва амалий хулосаларга мослиги, хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг тадқиқот натижалари билан таққосланганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги уларнинг ишончлилигини оширади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари вирусли гепатит билан касалланган беморларда дерматологик белгилар ривожланишида муҳим рол ўйнайдиган асосий патогенетик механизмларни очиб беради;

дисбиотик бузилишлар ва жигар ташқари клиник намоён бўлишларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган, шунингдек, иммунологик ва биокимёвий ўзгаришларнинг касаллик кечиши ва натижасига таъсири баҳоланган;

бу вирусли гепатитни диагностика ва даволашни такомиллаштириш имкониятини яратади;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инфекциялар билан касалланган беморларни аниқлаш учун диагностика маркерлари ишлаб чиқилган, бу дерматолог шифокорлар самарадорлигини ошириш имконини беради;

тадқиқот натижалари асосида суръатли вирусли жигар касалликларига чалинган беморларда тери касалликларининг олдини олиш бўйича комплекс ташкилий-методик тадбирлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ичакдаги микробларнинг ортиқча ўсиши синдромини бошқариш, диагностика қилиш ва қайта даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* вирусли гепатит В ва С билан оғриган беморларда юқори даражада жигардан ташқари дерматологик касалликларда ҳаёт сифати мезонлари бўйича, даволашнинг ташкилий-услубий жиҳатлари асосида клиник протоколларга дерматологик скринингни киритиш орқали такомиллаштирилган. 2024 йил 16 февралдаги № 01/114 буйруғи билан Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонасига ва 2024 йил 12 январдаги № 374 буйруғи билан Нуробод марказий туман шифохонасига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11-сон баённомаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** ўтказилган таҳлил вирусли гепатитларда сурункали дерматозларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш ва уларнинг сонини камайтиришга ёрдам беради. **Иқтисодий самарадорлиги:** олдини олиш чоралари рўйхати вирусли гепатитларда сурункали дерматозларнинг учраш частотасини камайтириш чораларини кўришга имкон берган, бу эса уларнинг терапиясини оптималлаштиришга ва 100 бемор учун 136 627 322 сўм сарфланган диагностика усули учун ортиқча харажатларни тежашга имкон берган. **Хулоса:** 1 бемор ҳисобига 1 366 273 сўм бюджет маблағлари тежалган;

*иккинчи илмий янгилик:* илк бор вирусли гепатит В ва С ҳамда дерматологик патологиялари билан касалланган беморлар функционал ҳолатини баҳолашда ичак микробиомининг дисбиози, айниқса анаэроб ва факультатив флора баланси ва ацетиллаш жараёнларининг турли фенотиплар бўйича ҳамда дислипидемия курсаткичлари ( $r=0,62$ ) ўртасидаги тугри пропорционал боғлиқлик исботланган ва бу 2024 йил 16 февралдаги № 01/114 буйруғи билан Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонасига ва 2024 йил 12 январдаги № 374 буйруғи билан Нуробод марказий туман шифохонасига жорий этилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** олинган таҳлилий натижалар вирусли гепатитларда сурункали дерматозлар кечишини башорат қилиш учун аниқланган бузилишлардан фойдаланиш имконини беради. **Иқтисодий самарадорлиги:** олдини олиш чоралари рўйхати орқали вирусли гепатитларда сурункали дерматозлар кечишини башорат қилиш ва ушбу патологикани даволашни такомиллаштиришга имкон берган, натижада 100 бемор учун 136 627 322 сўм сарфланган диагностика усулидаги ортиқча харажатлар тежалган. **Хулоса:** 1 бемор ҳисобига 1 366 273 сўм тежашга эришилган;

*учинчи илмий янгилик:* илк бор вирусли гепатит В ва С билан оғриган беморларда калликреин-кинин тизими фаоллашуви ва иммун тизимининг (ФНО- $\alpha$ , IL-6, IL-10, гемостаз тизими компонентлари) узгаришлари беморларда кислотали сфингомиелиназа ва  $\beta$ -глюкотсераброзидаза ферментларининг тез бузилишига, натижада эпидермал тўсиқнинг ўтказувчанлиги издан чиқиши сабабли дерматологик патологияларга олиб келиши исботланган. 2023 йил 4 декабрдаги № 38-1 буйруғи билан Хоразм

вилояти РИИАДВКТМ ҳудудий филиали ва 2023 йил 6 июндаги № 51/1 буйруғи билан Бухоро вилояти РИИАДВКТМ ҳудудий филиалида амалиётга жорий этилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** беморларни диагностика ва даволашда ацетиллаш тури ва кон липид даражасини ҳисобга олиш орқали вирусли гепатит фонида сурункали дерматозларнинг ривожланиш эҳтимолини камайтириш ва даволаш самарадорлигини ошириш мумкин. **Иқтисодий самарадорлиги:** 62 бемор учун бюджетдан 11 872 650 сўм тежашга эришилган. **Хулоса:** 1 бемор ҳисобига 118 000 сўм бюджет ва 156 780 сўм бюджетдан ташқари маблағлар тежалган;

**тўртинчи илмий янгилик:** вирусли гепатит В ва С билан оғриган беморларда даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган “Пробиокер-AWL” пробиотигини куллаш, ичак микрофлорасини нормаллаштириш ва дисбиозни камайтириш орқали микроб ўсиш синдромини бартараф этишда самарадорлиги исботланган. Ушбу илмий натижалар Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонасининг 2024 йил 16 февралдаги 01/114-сонли буйруғи ва Нуробод туман марказий шифохонасининг 2024 йил 12 январдаги 374-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** С вирусли гепатитлар фонидаги сурункали дерматозлар билан оғриган беморларни даволашда теридаги белгилари оғирлашиш эҳтимолини камайтириш ва даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. **Иқтисодий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган даволаш чора-тадбирлари вирусли гепатитлар билан оғриган 100 стационар беморда сурункали дерматозларнинг клиник кечишини яхшилашга ёрдам бериб, 13 662 732 сўм маблағ тежашга имкон берган. Натижалар 180 кун давомида барқарор сақланган. **Хулоса:** тадқиқот сурункали дерматозларни замонавий ва иқтисодий жиҳатдан самарали усулда даволаш самарадорлигини оширган, даволаш муддатини қисқартирган ва рецидивларнинг олдини олган, натижада 1 бемор ҳисобига 1 243 000 сўм тежашга олиб келган;

**бешинчи илмий янгилик:** вирусли гепатит В ва С билан оғриган ҳамда дерматологик касалликлари бор беморларни гепатолог ва дерматолог шифокорлар биргаликда олиб бориши буйича протокол такомиллаштирилган. Ушбу илмий натижалар 2023 йил 4 декабрдаги № 38-1 буйруғи билан Хоразм вилояти РИИАДВКТМ ҳудудий филиали ва 2023 йил 6 июндаги № 51/1 буйруғи билан Бухоро вилояти РИИАДВКТМ ҳудудий филиалида амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11-сон баённомаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** С вирусли гепатитлар фонидаги сурункали дерматозлар билан оғриган беморларни даволашда теридаги белгилари оғирлашиш эҳтимолини камайтириш ва даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. **Иқтисодий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган даволаш чора-тадбирлари вирусли гепатитлар билан оғриган 100 стационар беморда сурункали дерматозларнинг клиник кечишини яхшилашга ёрдам бериб, 13 662 732 сўм маблағ тежашга имкон берган. Натижалар 180 кун давомида барқарор сақланган. **Хулоса:** тадқиқот сурункали дерматозларни замонавий

ва иқтисодий жиҳатдан самарали усулда даволаш самарадорлигини оширган, даволаш муддатини қисқартирган ва рецидивларнинг олдини олган, натижада 1 бемор ҳисобига 1 243 000 сўм тежашга олиб келган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 4 та илмий-амалий конференцияда муҳокама қилинган. Улардан 3 таси халқаро миқёсда, 1 таси эса республика даражасида ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация материаллари асосида жами 22 та босма иш чоп этилган. Жумладан, 12 та мақола ОАК (Олий Аттестация Комиссияси) томонидан тасдиқланган илмий журналларда, 2 та услубий қўлланма ва 2 та республика миқёсидаги тезислар мавжуд.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:**

Диссертация таркиби кириш қисми, етита боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация 178 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва талабгирлиги асосланади, мақсад, вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий янгилик ва ишнинг амалӣ натижалари баён этилади, илмий ва амалӣ аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси ҳақида маълумот берилади.

Диссертациянинг биринчи бўлими «**Адабиётлар шарҳи**» 4 бўлимдан иборат: суръатли вирусли гепатит В ва Снинг жигар ташқари намоён бўлишларининг этиопатогенези бўйича умумий тушунчалар; вирусли этиологияли сурункали гепатитларнинг иммунопатогенез хусусиятлари; вирусли гепатит В ва Снинг эпидемиологик жиҳатлари; вирусли этиологияли суръатли касалликлар фонида тери касалликларини олдини олишнинг замонавий жиҳатлари.

Диссертациянинг «**Материал ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида эпидемиологик кўрсаткичлар миллий касалликлар ҳисоби тизими ва архив тиббий карталари асосида ўрганилди. Сўнгги 5 йил давомида касалланиш ҳолатлари бўйича статистик таҳлил усуллари қўлланилди. Таҳлил доирасида касалликнинг тарқалиши, ёши ва жинси бўйича касалланиш кўрсаткичлари, шунингдек, тадқиқот давридаги динамика ўрганилди.

Тадқиқотга икки асосий беморлар гуруҳи киритилди: суръатли вирусли гепатит ва дерматологик намоёналар билан бўлган 124 нафар бемор; 206 дерматологик патология билан (136 псориаз, 30 экзема, 40 дерматит) бемор.

Тадқиқотга киритиш мезонлари:

- суръатли вирусли гепатит В ёки С ташхисининг тасдиқланган

бўлиши;

- дерматологик белгилар мавжудлиги (қичишиш, терида тошмалар, темиртки ва бошқалар);
- ёши 18 дан 65 ёшгача бўлиши;
- сўнгги 5 йилга оид архив тиббий маълумотлар мавжуд бўлиши.

Тадқиқотдан чиқариш мезонлари:

- гепатитнинг ўткир шакллари;
- терига таъсир қилувчи бошқа тизимли касалликлар мавжудлиги;
- сўнгги 6 ой ичида дерматологик касалликлар бўйича махсус даволаниш олган беморлар.

Тадқиқот материалларини ташкил этган беморларнинг клиник хусусиятлари баён қилинган. Суръатли вирусли гепатит билан кечувчи дерматологик намоён бўлишларга эга 124 нафар бемор, 206 дерматологик патология билан (136 псориаз, 30 экзема, 40 дерматит) бемор текширилган.

Тадқиқотлар биотиббий этикаси талаблари бўйича қаттиқ равишда, инсон ҳуқуқлари бўйича Женева конвенцияси (1997 йил) ва Бутунжаҳон тиббий асосотиасиясининг Хелсинки декларациясига (2000 йил) мувофиқ равишда, маҳаллий этика қўмитасининг рухсатига асосан ўтказилган.

Сурункали гепатит гуруҳи таркибида беморлар жинс бўйича қуйидагича тақсимланган: эркаклар – 58%, аёллар – 42%, ўртача ёш  $35,6 \pm 10,7$  йил.

Гемостаз тизимининг ўрганилаётган параметрларининг назорат қийматларини аниқлаш мақсадида 25-45 ёшдаги 16 нафар амалда соғлом шахслар текширилган, улар текширувга онгли розилик берган, жинс ва ёш бўйича беморлардан фарқ қилмаган ва анамнез бўйича вирусли гепатитга эга бўлмаган.

Жигар касалликларининг вирусли этиологияси анамнез маълумотлари ва қон таркибидаги махсус маркерлар – NSU (анти-NSU ва NSU-PHK) аниқланиши асосида тасдиқланган.

Вирусли гепатит С билан касалланган беморларда микробиологик тадқиқотлар билан параллел равишда оғиз бўшлиғида маҳаллий ҳимоя омиллари ўрганилган.

Оғиз суюқлиғидаги лизоцим фаоллиги Ш.Р. Алиев (2006 йил) томонидан таклиф қилинган усул ёрдамида аниқланган.

Секретор иммуноглобулин А (sIgA) даражаси Манчини усули асосида баҳоланган.

Шунингдек, соғлом шахсларда ва суръатли вирусли гепатит С билан оғриган беморларда оғиз бўшлиғининг турли соҳаларидаги колонизацион резистентлик (милк, тил юзаси, ёноқ ва танглай) ўрганилган.

Микробиологик тадқиқотлар юз-жағ жарроҳлиги маркази клиник микробиология лабораториясида ўтказилган.

Гликемия кўрсаткичларини, липид спектрини (умумий холестерин (ХЧ), юқори зичликдаги липопротеидлар холестерини (ЛПЛЧ), паст зичликдаги липопротеидлар холестерини (ЛППЧ), жуда паст зичликдаги липопротеидлар (ЖПЛ), триглицеридлар (ТГ)), аполипопротеин А (АpoA1) ва В (АpoB) даражасини аниқлаш.

Тадқиқотлар иммунофермент усули ёрдамида «HUMAN» фирмасининг реагентлари ва ускуналаридан фойдаланиб ўтказилган.

Атерогенлик коэффиценти қуйидаги формула бўйича ҳисобланган:  $(ХЧ - ЛПЛЧ)/ЛПЛЧ$ .

Ацетилланиш даражасини ўрганишда беморлар ва назорат гуруҳидаги шахслар оч қоринга 0,5 г сулфадимезин қабул қилган. Эркин ва умумий сулфадимезин (SD) даражаси 400 нм тўлқин узунлигида спектрофотометрия усули билан аниқланган. Ацетилланган SD даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланган:  $AChS = OChS - EChS$ , бу ерда  $AChS$  – ацетилланган SD,  $OChS$  – умумий SD,  $EChS$  – эркин SD.

М-ацетилланиш фенотипи SD ацетилланиш тезлиги бўйича баҳоланган ва  $AChS$  нинг  $OChS$  га нисбати % ҳисобланган. Ацетилланиш турини баҳолашда асосий мезон сифатида эркин дори воситасининг сўлак орқали ажралиб чиқиш фракцияси олинган. Бу мақсадда тест препаратининг эркин чиқарилувчи миқдори дори воситаси қабул қилинганидан кейин 7 соат давомида ҳар соатлик сўлак намуналарида аниқланган.

Сўлакда сулфадимезин даражасини ВФО реагентидан фойдаланган ҳолда аниқлашда 1 мл сўлак олиниб, унга 1 мл сув, кейин 1 мл 10% ли рух сульфат ертмаси ва 1 мл 0,75 М натрий гидроксид қўшилган. 10 дақиқа давомида 9000 айланиш/дақиқада центрифугатсия қилинган. Сўнгра, 3 мл устки қатлам суюқлиги ажратилиб, унга 1 мл фосфат буфери (рН 6,86) ва 0,5 мл ВФО реагент қўшилган. Оптик зичлик 500 нм тўлқин узунлигида ўлчанган.

Ацетилланиш фенотипи (тез ва секин ацетилляторлар) Б. Еванс (1969) усули ва Л.Н. Буловская (1982) томонидан модификация қилинган усул бўйича аниқланган. Беморларнинг қонида сулфадимезин қабул қилинганидан 5 соат ўтгач, ацетилланган сулфадимезиннинг фоиз миқдори ўлчанган. Тез ацетилляторлар – 5 соатда 50% ёки ундан ортиқ сулфадимезин ацетилланиши кузатилган. Секин ацетилляторлар – 5 соатда 50% дан кам сулфадимезин ацетилланган.

Комплекс иммунологик тадқиқотлар гемограммари, неутрофилларнинг фаготситар фаоллигини, периферик қондаги лимфоцитларнинг фенотипланишини ўз ичига олди:  $CD4+$ ,  $CD8+$ ,  $CD3+$ ,  $CD5+$ ,  $CD16+$ ,  $CD10+$ ,  $CD71+$ ,  $CD25+$ ,  $HLA-DR+$ ,  $CD22$ ,  $CD95+$ , шунингдек, зардобдаги  $IgA$ ,  $IgM$ ,  $IgG$ ,  $IgE$ , айланиб юрувчи иммун комплекслари (АИК), ситокинлар ( $IL-1\beta$ ,  $IL-2$ ,  $TNF-\alpha$ ), комплементар оксиллар (пропердин-фактор В,  $C3$  ва  $C4$ ), шунингдек, трансферрин ва рак-эмбрионал антигени (РЕА).

Ситокинлар концентрацияси иммунофермент таҳлил усули ёрдамида ЗАО "ВЕКТОР-БЕСТ" (Новосибирск шаҳри) реагентларидан фойдаланган ҳолда аниқланган.

Қонда айланиб юрувчи иммун комплекслари (АИК) даражасини аниқлаш "Реакомплекс" (Чита шаҳри) кимё компаниясининг тест-тўплами ёрдамида амалга оширилди.

Градиент зичлигида ажратилган лимфоцитларни фенотиплаш учун моноклонал антитаначалар билан билвосита иммунопероксидаза реакцияси (НПЗ "МедБиоСпектр", Москва шаҳри) ишлатилди.



Зардобдаги иммуноглобулинлар миқдори эса "Bender MedSystems" (Австрия) реагентлари ёрдамида рақобатли иммунофермент таҳлил усули билан аниқланди.

Калликреин-кинин тизими ҳолати плазмадаги калликреин (К), прекаликреин (ПК) ва  $\alpha 2$ -макроглобулин ( $\alpha 2$ -МГ) даражалари бўйича баҳоланди, бу Т.С. Пасхина ва ҳаммуаллифлари томонидан тасвирланган хроматографик усул ҳамда "Mindray" анализатори ва "HUMAN" тўпламларидан фойдаланган ҳолда иммунофермент усули ёрдамида ўрганилди.

Қон плазмасидаги калликреин ва калликреиноген фаоллигини аниқлаш Калликреин (КФ 3.4.4.14) гидролаза ферментлари синфига мансуб серин протеазалар гуруҳи ёрдамида бажарилди.

Томир-тромбоцитар ва коагуляцион гемостаз бўғинлари кўрсаткичларини стандартлаштирилган гемостаз баҳолаш усуллари ёрдамида ўрганилди.

Барча текширилган беморларда тромбоцитлар сони гематологик анализатор ёрдамида ҳисобланди, тромбоцитларнинг ёпишиш ва агрегатсия хусусиятлари ADP индуктори ёрдамида фазоконтраст микроскоп орқали Т.А. Шитикова (1997) усули билан визуал баҳоланди.

Фаоллаштирилган қайта кальцификация вақти (ABP), плазмадаги фибриноген (ФГ) даражаси Клаус усули бўйича DiaMed CD 4 (Швейцария) аппаратида баҳоланди.

Протеин S (PS) ва антитромбин-III (АТ-III) билан боғлиқ антикоагулянт фаоллик 405 нм тўлқин узунлигида автоматик рақамли фотометрда ўрганилди [Баркаган З.С., 2001].


Вилебранд омилининг функционал фаоллиги эса НПЗ "Ренам" (Москва) фирмасининг тўпламидан фойдаланган ҳолда аниқланган.

HCV-РНК индикатсияси, вирус генотиби ва вирус юклами даражаси полимераза занжир реакцияси (ПЗР) усули билан аниқланди.

Таҳлил натижаларини баҳолаш ва сифат назорати диагностик тўплам таркибига кирувчи назорат зардоблари, стандарт нормалар ва диагностик тизимнинг референс имкониятлари ёрдамида амалга оширилди.

Статистик натижалар IBM SPSS Statistics 21.0 ва Microsoft Excel 2010 дастурий таъминотининг статистик модулидан фойдаланиб қайта ишланган. Айрим маълумотларнинг фоиз ифодаси, арифметик ўртача қиймати ва арифметик ўртачанинг стандарт хатоси аниқланган. Корреляцион таҳлил учун Спирмен ва Пирсон усуллари қўлланилган. Статистик ишончлилиқ даражаси  $p < 0,05$  деб қабул қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ўзбекистон Республикасида сўнгги 10 йил ичида вирусли гепатит В ва С касалланишининг ретроспектив таҳлили»** мавзусига бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида турли йилларда вирусли гепатитларнинг этиологик тузилиши ўрганилган ва таҳлил қилинган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2011-2020 йилларда вирусли гепатит билан касалланиш динамикаси (100 000 аҳолига)

Диссертациядаги таҳлил натижалари қуйидагиларни кўрсатди, жумладан, вирусли гепатитлар билан касалланиш даражаси Ўзбекистонда сўнгги йилларда 3,5 баробар камайган. Ўртача йиллик касалланиш даражаси ҳар 100 000 аҳолига 8,1 га тушган. Бироқ, касалланиш даражасининг умумий тенденцияси аниқ эмас — графикларда кўринишича, у зигзаг шаклида, яъни айрим йилларда кўрсаткичлар 1,2-1,5 баробар ошган ёки пасайган. Барқарор пасайиш фақат 2018 йилдан бошланган ва икки йил ичида касалланиш даражаси 3 баробар камайган. 2020 йилда касалланиш даражаси 33,4 дан 100 000 аҳолига тушиши COVID-19 пандемияси сабабли беморларни аниқлашнинг камайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Вирусли гепатит В касалланишининг нисбий камайиши эмлаш дастурларининг самараси билан изоҳланади.

Сўнгги 10 йилда гепатит В билан бирламчи касалланиш даражаси 0,2 дан 2,1 гача ўзгариб турган. Вирусли гепатит С билан касалланиш даражаси сўнгги 5 йилда ҳар 100 000 аҳолига ўртача 0,18 ни ташкил қилган. Гепатит Снинг юқори касалланиши Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри, Бухоро ва Навоийда кузатилган; Андижон, Сурхондарё ва Фарғонада эса паст даражада. Охирги 5 йил ичида касалланиш ҳудудларга қараб нотенг тақсимланган, энг юқори даражалар Навоий (122,6) ва Сирдарё (116,7) вилоятида қайд этилган.

1-жадвал

2016-2020 йиллар давомида вилоятлар бўйича вирусли гепатит (ВГ) касалланиши динамикаси (100 000 аҳоли ҳисобида)

Минтақалар номи	2016 yil	2017 yil	2018	2019	2020	Ўртача беш йил даражаси
Ўзбекистон Республикаси	120.8	98.3	100.6	82.0	33.4	87,0
Қорақалпоғистон Республикаси	92.7	71.6	80.2	57.5	15.6	63.5
Андижон	109.9	111.3	100.7	75.9	30.7	85.7
Бухоро	38.9	23.9	40.2	41.3	18.0	32.4
Жиззах	120.7	83.6	81.5	70.4	32.3	77.7

Қашқадарё	108.4	115.2	121.7	64.2	21.2	86.1
Навои	110.4	73.2	122.9	98.4	28.8	86.7
Наманган	176.3	131.6	146.3	122.1	36.8	122.6
Самарқанд	1Ўзбек	105.8	129.3	115.5	49.7	78.8
Сурхондаре	180.3	82.1	65.1	108.8	57.8	98.8
Сирдаре	199.2	123.1	118.6	104.1	38.7	116.7
Тошкент вил	132.8	110.8	122.1	70.6	35.5	94.3
Фарғона	125.5	103.2	93.4	92.3	36.1	90.1
Хоразм	54.9	50.4	49.6	38.2	10.0	33.0
Тошкентt	134.6	128.8	95.5	62.2	32.2	90.6

Мазкур ҳудуддаги 100 000 аҳоли ҳисобида касалланиш даражаси ўртача республика кўрсаткичидан 1,4-1,3 баробар юқори бўлган. Бухоро ва Хоразм вилоятларида эса аксинча ҳолат кузатилган, яъни турли йилларда вирусли гепатит билан касалланиш даражаси ўртача республика кўрсаткичидан 2-4 баробар паст бўлган.

Шундай қилиб, вирусли гепатитларнинг тарқалишини таҳлил қилиш натижасида касалликнинг динамикасида ҳам, ҳудудлар бўйича тақсимланишида ҳам аниқ қонуният йўқлиги аниқланган. Бироқ, вирусли гепатитларнинг ижтимоий-гигиеник аҳамиятини унутмаслик керак, чунки турли экзоген ва эндоген хавф омилларининг таъсирининг ортиши, шунингдек, касалликнинг сурункали шакллариининг ривожланиши уларнинг ногиронлик ва ўлим ҳолатларидаги улушини оширмоқда. Шу сабабли, вирусли касалликларнинг олдини олиш, касалланиш, ногиронлик ва ўлим даражасини камайтириш соғлиқни сақлаш тизимининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Бу муаммони муваффақиятли ҳал қилиш учун фақат касалланиш даражаси ва динамикаси ҳақида эмас, балки унинг этиологик ва эпидемиологик тузилиши бўйича ҳам аниқ маълумотлар талаб этилади.

Тадқиқот доирасида сўнгги 5 йил (2018–2022 йиллар) давомида сурункали вирусли гепатит В (СВГ-В) ва С (СВГ-С) ташхиси тасдиқланган беморларнинг диспансер ҳисоби ва архив тиббий карталаридаги маълумотлари ретроспектив ўрганилди. Маълумотлар таркибига янги аниқланган ҳолатлар, диспансер кузатувида бўлган беморлар ҳамда ташқарипачка (экстрагепатик) дерматологик белгилари аниқланган беморлар киритилган.

Умумий ўрганилган ҳолатлар сони 380 нафар беморни ташкил этди, шундан: биринчи марта аниқланган беморлар — 150 нафар (39,5%), уларда ташхис архив маълумотлари таҳлили асосида биринчи бор қўйилган. Диспансер назоратида бўлган беморлар — 230 нафар (60,5%), уларда ташхис илгари тасдиқланган ва доимий тиббий кузатув олиб борилган.

Сурункали гепатит В ва С билан касалланган беморларда қуйидаги дерматологик касалликлар аниқланган: Қизил ясси темиртки (ҚЙТ) — 72 нафар (18,9%) беморда; улардан 45 нафарида (12%) биринчи марта аниқланган, қолганлари диспансер ҳисобида бўлган.

